



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов 25 сентябрь куни Оқсаройда НАТО Бош қотиби Жорж Робертсонни қабул қилди.

— Сизни нафақат НАТО Бош қотиби, балки кўпгина халқро муаммолар ечимига улкан ҳисса қўшган йирик сийосатчи сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди Ислоом Каримов учрашувда. — Хусусан, НАТОнинг шаклдан ўзгаришига кўп меҳнатингиз сингган.

Ўзбекистон Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида ушбу таш-

килот билан самарали ҳамкорлик қилиб келяпти. Мамлакатимиз 1994 йили НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида Тайёрлаш маркази тузишга қарор қилган. Унинг дастури НАТО андозлари ва талабларига асосланади. Шунингдек, Ўзбекистон НАТО билан ҳамкорликнинг индивидуал дастурини қабул қилган. У 20 йўналиш бўйича, жумладан, тинчликни сақлаш борасида кўмондонлик-штаб ва ҳарбий дала машқлари ҳамда қидирув-қутқарув ва ин-

сонпарварлик ёрлами кўрсатиш операциялари каби жами 143 тадбирни кўзда тутди. Ўзбекистон ва НАТО фуқаролик фақуллода режалаштириш соҳасидаги ҳамкорлик доирасида шу йилнинг 28-30 апрель кунлари Фарғона вилоятида қўшма машғулот ўтказди. Марказий Осиёда НАТО томонидан ташкил этилган бундай турдаги ана шу илк машғулотда хорижий мамлакатлар ва халқро ташкилотлардан 227 вакил қатнашди. Мамлакатимиз илм-фан, экология каби соҳаларда

ҳам мазкур ташкилот билан самарали алоқа ўрнатган. НАТОнинг Илмий кўмитаси билан ҳамкорлик ичидил ривожланмоқда. Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий ҳавфсизликни мустақкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(У.А.) СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Д. ЮСУПОВ оланг суратлар.

Мамлакатимизга таширф буюрган НАТО Бош қотиби Жорж Робертсон 25 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон-НАТО ҳамкорлиги, халқро ва минтақавий ҳавфсизликни таъминлашда ўзаро алоқаларни мустақкамлаш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҚКАМЛАШМОҚДА

Шу куни НАТО Бош қотиби Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Солиқ Сафоев ҳамда мулоффа вазири Қодир Ғулумов билан учрашди. Учрашувда томонлар Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва барқарорликни мустақкамлаш, Афғонистондаги вазият ҳамда халқро террорчиликка қарши ҳамкорликда курашишга оид масалаларни муҳокама этди.

Ўзбекистон НАТО билан мамлакатимиз кўролди кучларини ислоҳ этиш, замонавий техника воситалари билан таъминлаш, террорчиликка қарши курашда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Яқин кунларда "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида Тошкентда Тайёрлаш марказини ташкил этиш ва НАТО андозларига мос тинчликни сақлаш батальонини тузиш юзасидан қўшма

лойиҳани амалга оширишга киришни режалаштирилмоқда. Шунингдек, истиқболдаги режалардан ҳарбий-техникавий анжомлар етказиб беришни жалаалаштириш ҳамда фуқаро мулоффааси соҳасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш ҳам ўрин олган. Куннинг иккинчи ярмида Ж.Робертсон Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари билан учрашди. Ўзбекистон-НАТО муносабатлари ва халқро муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун учрашувда мамлакатимиз билан мазкур ташкилот ўртасидаги ўзаро алоқалар ичидил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ, Ў.А. мухбири.

ТОШКЕНТ (Ў.А. мухбири) Назокат УСМОНОВА.

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида республика Ташқи ишлар вазири, Тошкент "Фото уй" билан ҳамкорликда "Ўзбекистон-Шотландия" НАТО раҳбари нигоҳида деб номланган фотокўргазма очилди. Ундан шу кунларда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган НАТО Бош қотиби Жорж Робертсон ижодига мансуб эликка яқин фотосуратлар ўрин олган.

Кўргазманинг тантанали очилиши маросимида сўзга чиққанлар бугунги кунда Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасида иқтисодий, маърифий, илмий, мадания алоқалар тобора

Ўзбекистон НАТО раҳбари нигоҳида

мустақкамлаштигани баробарида халқро терроризмга қарши курашишда ҳам ҳамкорликда иш олиб бораётганини таъкидлади. — Бундан уч йил аввал Ўзбекистонга келганимда, қадимий Шарқнинг Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларида ҳам бўлган эдим, — деди Жорж Робертсон. — Унда нафақат азим меъморий обидлар, балки юртнингнинг буюк тарихи, кўҳна ва бой маданияти, маънавияти ва умуман, самий, бағрикенг, чехраси ёру оддий ҳаюортларнинг мени

ҳайратта солганди. Булар ҳақидаги ҳақ-ҳақонимини сўз билан ифодалаш мен учун мушкул. Шу боис бу туйғу ва таассуротларимни фототасвирга туширишга ҳаракат қилдим. Бу ерга тулганлардан кўргазмада намойиш этилаётган фотосуратларда фаровон юртимиз, бетактор она-табиғимиз, неча асрларга тенгшоқ қадимий ёдгорликлар, меҳнатсевар ҳаюортларимиз қўбфа фотоустанинг зеҳнли нигоҳи орқали маҳорат билан тасвирга олинганининг тухови бўлди.

ОТЪ МУТАХАССИСИ — ТАХРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ҳаюон банк ҳамжамиятининг эътибори яна Тошкентга қаратилди. Шу йил 10-12 ноябрь кунлари пойтахтимизда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирлар учрашуви доирасида конференция бўлиб ўтди. Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) ташкилотчилигида ўтадиган мазкур конференцияда Озарбойжон, Қозғистон, Хитой Халқ

конференцияни матбуотда ёритиш масаласи юзасидан фикр алмашилди. Жаноб Крюгер журналистларни ОТБнинг Ўзбекистондаги фаолияти билан таништирди. Республикаимиз ана шу молиявий институт 1995 йилда аъзо бўлган. Утган давр мобайнида банк томонидан 13 та лойиҳа учун 695,5 миллион доллар миқдорда 15 та займ тақдим этилган. ОТБнинг штаб-квартираси Маниме шаҳрида жойлашган. Тошкент конференциясида пойтахтимизнинг фахрий фуқароси, Осиё Тараққиёт банкининг президенти Тадо Чино иштирок этиши кутулимоқда.

«Баркамол авлод орзуси»

ва бошқаларнинг турли мавзулардаги чиқишлари тингланган. — Уз она тилини мукаммал билмаган ўқувчининг чет тилида равон ва хатосиз сўзлашиши имкин эмас, — деб таъкидлаб ўтди С.Олим кўролчи билан. — Чунки "нинг" билан "ни", "та" билан "да"нинг фарқида бормаган ўқувчини қандай қилиб чет тилини атрофича билди, дея оламиз? Шунинг учун, аввало, ўз она тилимизни ўлик-қизларимизга ҳар томонлама мукамил ўргатишимиз зарур. Адабий-тилдан кўнгина ўқувчиларимиз хабарсиз. Китоб ўқимади. Негат? Бунга энг биринчи ўринда ўқитувчиларимиз айбдор.

Бу каби муаммалар тортишувларга сабаб бўлди. Ингил иштирокчилари уларни кенг муҳокама қилиши, тегишли тўхтамларга келиши.

Таҳлил, ташаббус, тажриба

Ўқувчию талаба ҳашарга чиқмас...

Бу саволга ўтган йили Қашқадарё вилояти раҳбарлари албатта «Хал» деб жавоб беришарди. Чунки пахтани ўқувчиларимиз териб олишни тасаввур ҳам қилишолмасди. Оқибатда бултур шу даражага боришдики ҳатто янги ўқув йили бошланмасданқ, ўқувчи талабаларни далага ҳайдашди. Бошқача ўйлаш, бошқачароқ фикрлаш, янги-янги имкониятларни қидириб топиш ҳақида ҳеч ким бош қотирмади. Аксинча, «Хамма вақт шундай бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлади» деб ўйлашди қорчалоллар. Ўқувчию талабаларнинг дарсдан қолишлари, соғлиқларини йўқотишлари уларни мулқло қизиқтирмади. Ваҳоланки, бултур теримга чиққан ўқувчию талабаларнинг 6750 нафари ёки 13,5 фоизи касалланиб уйига қайтгани уларнинг ташвишга солиши керак эди. Амаида тескариси бўлди.

Бу йил ана шу қотиб қолган қанчаларга илк бор болта урилди. Албатта, янгиликка қўл уриш осон бўлмади. Бу ишга шубҳа билан қаровчилар, «Ўқувчилар пахтага чиқинмас, шарманда бўласизлар, зўр келса, ўларнинг «Ўқувчиларни чиқаринлар» деб чопасизлар» дегувчилар ҳам топил-

пахта далада қолиб кетадими?

ми. Шундай бўлишини кутиб, томошани бўлиб турганларни айтмайемиз! Келинг, бу гапларни бир ёкка қўя турайлик-да, далилларга мурожаат қилайлик. Утган йили Қашқадарё вилоятида 421 минг 278 тонна пахта тайёрланган ва шартнома режаси 100,3 фоиз бажарилган. Ана шу пахтанинг 418

учин автотранспортга 609,3 миллион сўм харажат қилинган.

93 кун мобайнида 44893 минг ўқувчи томонидан терилган 77 минг 600 тонна пахтанинг ҳар килограммига ўртача 20 сўмдан, жами 1 миллиард 600 миллион сўм тулганган. Ушбу терим ҳақидадан ошқат учун 70 кун давомидан бир кунда 500 сўмдан, жами 1 миллиард 800 миллион сўм сарфланган. Курашечки, иш ҳақи ошқатта етмайди. Ҳали 23 кун бу ҳисобга кирмаган.

16 сентябрдан 30 сентябргача 52 минг 815 ўқувчи (шунинг 44893 нафари бошқа туманларда пахта терган) теримда қатнашган. 1 ноябрдан 30 ноябргача эса 38807 нафар (бошқа жойда пахта терганлар 32986 нафар) қолган. 1 декабрдан 11 декабргача 10128 ўқувчи теримга чиққан, холос. Сентябрь ойида ҳар ўқувчи ўртача 41 килограмм, октябрда 26, ноябрда 12, декабрда 12 килограммдан пахта терган. Бу ҳақда улар қандай қилиб пул ишлашди? Энди дўпдини бошдан олиб, ўйлаб кўринг: ўқувчиларнинг пахта теримига жалб қилиш фойда келтирадими ёки зарар? Албатта, зарар!

(Давоми 4-бетда).

«Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати жамоасига

Азиз дўстлар!

Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилган кунинг 45 йиллиги муносабати билан кўп миллатли жамоамизни чин қалбимдан муборакбод этиш менга катта мамуният бахш этди. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу шонли кунда сизларнинг ҳар бирингизга, ўзининг куч-ғайратини аямая, Қизилқум минтақасининг минерал бойлиқларини ўзлаштиришда фидокорона меҳнат қилаётган кишиларнинг барчасига самийий миннатдорлигимни ишор этмоқчиман. Мустаққиллик йилларида Ватанимиз эришган ютуқларда Ўзбекистон иқтисодиётида алоҳида ўрин тутган комбинатимизнинг ҳам хизматлари салмоқли, десак асло мулофа бўлмайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, комбинат жамоаси собиқ иттифоқ парчалангандан кейин хўжалик муносабатларидаги узлиш билан боғлиқ қийинчиликларни муваффақиятли енгиб ўтди. Мустаққиллик йилларида сизлар ташаббускорлик ва ишбилармонлик, ўз ишига содиқлик каби фазилатларингиз туфайли мураккаб шартроларда ноёб қорхонани нафақат сақлаб қолдингиз, балки уни жаҳондаги етакчи трансмиллий компаниялар билан баббарвар рақобатлаша олаётган замонавий қончил мажмуага айлантирддингиз.

Шуниси қўнончилик, ҳозирги кунда бу ерда замонавий қорхонани ишлаб турибди, энг янги технологиялардан муваффақиятли фойдаланишмоқда, куришиш ва саноат индустрияси, бехўқончилик соҳаси учун хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўзга қўйилган. Жаҳондаги етакчи компаниялар билан ўрнатилган мустақкам ва узоқ мuddатли ҳамкорлик сизларга бунун тармоқнинг барқарор ишлашини таъминлаш, хорижий ин-

вестицияларни кўпроқ жалб этиш, ишлаб чиқариш ҳажминини йил сайин ошириб бориш имконини бермоқда.

Қадри дўстлар!

Ишончим комилки, сизларнинг кўпчилигингиз айнан шу ерда — Қизилқумнинг жазирама қўлида бахтингизни топиб, бунёдкорлик меҳнати кўнончидан баҳраманд бўлдингиз. Бу ерда Ўзбекистонни ўз Ватани деб билган кўнгина миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқда. Комбинатда садоҳиятли, юксак малакали, меҳнат ва ҳаётда товланган, энг мураккаб ишлаб чиқариш вазифаларини ҳам ҳал этишга қодир, аҳил байналмилал меҳнат жамоаси шаклланди ва мустақкамланди. Сизларнинг шавкатли меҳнатингиз ҳамда Ватанимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва мустаққиллигини мустақкамлашга қўшаётган ҳиссангизни юксак қадраймиз.

Комбинатда кўплаб ёшлар — кекса авлод қархонона меҳнатининг муносиб давомчилари ишлаётганидан астойдил хурсандман. Улар — ижодий фикрловчи, энг замонавий қорхоналарда ишлашга қодир янги авлодга мансуб мутахассислардир. Биз ҳақиқ равишда улар билан фахрланамиз. Комбинатда ёшларга самарали меҳнат қилиш, яхши дам олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, махсус қончил институт очилган. Навоий кон-руда мажмуасининг келажаги ишончли кўларда, деб қатъий айтиш мумкин.

Аҳил жамоамизнинг барча аъзоларига чин қалбимдан мустақкам соғлиқ, ишончли бахт, оилавий хотиржамлик, тинчлик ва фаровонлик тилайман. Ўзининг меҳнатидан қончил туйғуси қалбингизни асло тарк этмасин!

Ислоом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Навоий кон-металлургия комбинатининг 45 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий соҳасининг юксалтиришга, ислоҳотларни амалга оширишга, республикамиз кон-металлургия саноатини ривожлантиришга қўшаётган қўшма ҳисса ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фойдаларини фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» Аланов Мансур — Марказий руда кони бошқармасининг бош энергетиги

глия комбинати директорининг умумий масалалар бўйича ўринбосари

Кодов Василий Суликович — Навоий кон-металлургия комбинатининг бош механиги Чернопетков Сергей Федорович — Марказий руда кони бошқармасининг бош энергетиги

моат ишларида фойда қатнашганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан Азамчуқ Василий Семенович — Марказий руда кони бошқармаси «Мурзунтов» қончил экскаватор машинисти Марин Виктор Федорович — I-Гидрометаллургия заводи-нинг роторли экскаватор машинисти Орниов Раҳим — 5-Руда кони бошқармасига қаршли I-Геотехнология руда кони қудуқлар оператори

(Давоми 2-бетда).

КОРХОНАНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Кеча вилоят марказидаги «Фарход» маданият саройида «Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилганнинг 45 йиллигига бағишланган тантанали ийгилик бўлиб ўтди. Ийгиликда Президентнинг ушбу комбинат жамоасига йўлаган табригини республика Бош вазири У.Султонов ўқиб эшиттирди. Бир гуруҳ ходимларга ҳукуматимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медалларини топширди. Комбинат Бош директори, Ўзбекистон Қархонани, Олий Мажлис

депутати Николай Кучерский 45 йил давомида босиб ўтилган машаққатли, аммо залворли йўл ҳақида маъруза қилди. Сўзга чиққанлар республикамиздаги энг йирик қорхонанинг Ватанимиз иқтисодиётини ўрни, мустаққиллик туфайли жаҳонга юз тутушни амалда, маҳсулот ҳажми ва сифатининг ўта рақобатбардорлиги, қончилларнинг шарафли меҳнатлари ҳақида фикр билдиришар.

Маросимда Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

ЮРТИМИЗ ФАХРИ

1958 йилда ташкил этилган Навоий кон-металлургия комбинати олдидан Марказий Қизилқум қўриқидagi улкан қон захираларини ўзлаштиришдек ўта мураккаб ва масъулиятли вазифа турарди. Ушунда Учқудуқ шахри ва унинг атрофида на электр энергиясиз, на сув ва на йўл бор эди. Зиммалати вазифаларини нақадар машаққатлигини кўмир саноати мутахассислари эхелерт гуруҳи берган қуйдадан ҳуло-садан ҳам билдиб олиш қийин эмас: «...Бундай то-геология шартноларида қазилма бойлиқлар ўзлаштириладими?»

Аммо комбинат жамоаси аэрий қўндилар билан рақибан ноёб қазиларнинг эл фаровонлигини учун бўйсундириди. Эндиликда учун ер юзидagi олтин, қумуш,

ислоҳотларнинг амалий самарасини ушбу жамоа мисолида яққол кўриш мумкин. Йил сайин барча йўналишлар бўйича давлат ишлаб чиқариш дастури бажарилаётган. Олтин, қумуш, уран қазиб олиш режалари эса муттақили ортиб билан удаланмоқда. Жерой-Сардара қонилда Қизилқум фосфорит комбинатининг ишта туширилгани нати-жасида мамлакатимиздаги қимё заводалари фосфорит ҳамешиё билан таъминланган. Илгари ташқаридан харид қилина-диган ана шу қимматбаҳо ўнит турй эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани ва унинг самараси ҳақида ҳар қанча га-пирилса, шунча оз.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Навоий кон-металлургия комбинатининг 45 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Пашков Александр Алексеевич — Марказий руда кони бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг бош муҳандиси

Сойбов Фархат Яхшиевич — Марказий руда кони бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг цех бошқис

«Дўстлик» ордени билан

Кострица Григорий Иванович — Навоий кон-металлургия комбинати директорининг кадрлар бўйича ўринбосари

Кустов Андрей Михайлович — Марказий руда кони бошқармаси директори

Лаккай Николай Эдмундович — «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бириктирилган корхона директори

Муминов Валерий Равшанович — Навоий кон-металлургия комбинати директорининг шахарлар эксплуатацияси ва маъиший масалалар бўйича ўринбосари

Примжаров Абдулхамид Муслимович — Шимолий руда кони бошқармаси 3-Гидрометаллургия заводининг цех бошқис

Сапарова Зомира Бозаровна — Зарафон курилиш бошқармаси ихтисослаштирилган лардозлаш ишлари участкасининг бўёқчиси

Степура Валерий Николаевич — Марказий руда кони

бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг директори

Толстов Евгений Александрович — Навоий кон-металлургия комбинатининг бош муҳандиси

Шеметов Петр Александрович — Марказий руда кони бошқармасига қарашли «Мурунтов» кони бошқис

Шляхтин Владимир Иванович — Жанубий руда кони бошқармаси моддий-техника таъминоти бўлимининг муҳандиси

«Шухрат» медаллари билан

Ақоляев Юрий Михайлович — Жанубий руда кони бошқармаси директори

Менеметов Рустем Шукриевич — 5-Руда кони бошқармаси бош механиги

Паламарчук Юрий Васильевич — Навоий кон-металлургия комбинати касабга уюшмаси кўмитасининг раиси

Попов Андрей Севастьянович — Шимолий руда кони бошқармаси Автотранспорт бошқармасининг кўп юк ташитиладиган карьер ағдарма машиналари хайдовчиси

Пронин Николай Иванович — Шимолий руда кони бошқармаси бош геологи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН

Исламов Норбой Тошқўлов — Жанубий руда кони бошқармасининг бургулаш қурилмаси машинистлари сардори

Новиков Виталий Васильевич — Марказий руда кони бошқармасига қарашли «Мурунтов» шахтаси портулаччиси

Рахмонов Абдусалом Пардаевич — «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бириктирилган корхона директори

Хантов Приазар — Жанубий руда кони бошқармасига қарашли «С» кони чилангарлари сардори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН

Тошкент шохри, 2003 йил 18 сентябрь.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида Юртбошимиз Фармонига кўра, Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, ислохотларни амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги улкан хизматлари эътироф этилган олти нафар фидойига «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди. Улардан бири ўзбек миллий кино ва театри актёри, маданият ва жамоат арбоби Зикир Муҳаммаджоновдир.



Зикир аканинг меҳнат дафтарасида янги биттагина ёзув бор, холос: Миллий театрга актёр. Бундан рота 66 йил аввал минг бир ҳалик билан саҳнага қадим қўйган ёшгина ўспирин бүгун иззат-икромли Зикир Муҳаммаджоновга айланди. У эл-юрт овоз-диги курашчиси Темур Малик, шэрият султони Навоий, падаркуш Абдуллоҳ, аллома Беруний, «бу улдан ҳеч ким норизо бўлиб чиқиб кетмаслиги керак» деган сўзлари билан меҳр қозонган, бағри кенг Юсуфбек ҳожи, маърифатпарвар шайхлар Фуқар, Ҳамза, дошмалд Эйтиев, қалби пок Бойтемирдек муқаммал ва тўлақони роллари билан ўз томошбинларини топи, ҳалқига танилди.

1937 йил. Урта мактабни битириб, Ўзбекистон Миллий университетининг ишчилар факультетида ўқиб юрган йигитчани бир йил синов мудафти билан актёрлар труппасига ишга тақдим этишди. Яна, кимсан, унча-мунча иқтидорни тан олмайдиган Маннон Уйғур билан Аброр Ҳидоятнинг узлари.

Падаримизнинг эътибори — тўғричилиги қори бўлишни оруз қилиб, ёшнингидоқ ҳафсада ва кўп билан Курьон сураларини ёлдатди, — дейди актёр суҳбатимизда аввалда.

— Онамиз эса ниҳоятда завқли аёл бўлган. Кўпича катта патнисини чегириб, ларлар куйлар, бизни ўйинга туширишни ёқтирарди. Менинг тақдиримда Раҳимжон тоғанининг таъсири катта. У қариндош-ўруғларга ниҳоятда меҳрибон, хотираси кучли эди. Ногорани ўта моҳирлик билан чаларди. Айниқса, Рамазон ойида ўн метр баландликдага масжид томига чиқиб, сахарликка экин ноғора чалганда, ярим Тошкент эшитиларди. Мен ўза куйлари атай тоғанининг келар ва тундаги ноғора товушидан завқланардим. Бир кун тоғам мени театрга олиб тушди. Саҳнада бир одамга пичоқ уришди, у ҳалок бўлди. Томоша тугаб, уйга кетаётганда, ўша ўлган одам кулиб ёнимиздан ўтса, денг. Турган жойимда қотиб қолганман. Улган одам қандай қилиб бир зумда тирилганини? Ҳарқалай, тоғамнинг саянбати билан муҳаббатига театрга кириб келишимга сабабчи бўлди.

Жулидас, уни 1938 йили доимий ишга қабул қилишди. — Менинг бахтим улуглар

САҲНА — ОЛТИН ОСТАНА

унга етиш, улуглар йўлидан кетиш учун барча машаққатларга тайёр эдим, — деганди бир пайтлар актёрликни ҳавас қилган Зикир Муҳаммаджонов

дарвасига тушиб қолганимдир, — дея сўзига давом этади актёр. — Маннон Уйғур, Етим Бобожон, Аброр Ҳидоятлов, Обид Жалилов, Сайфи Олимов, Ҳожи Сиддиқ Исломов, Маъсума Қориева, Миршоҳид Мирқоқилларнинг ҳар бири бир олам эди. Улар оғир йилларда меҳнат қилиб, халққа танилдилар. Аммо ҳаётдаги бор воқеа-ҳодисаларни саҳнага акс эттирилмасдан, айтсам тилим қуяди, айтмасам дулим, дея ўзиб кетишимди. Мен уллардан нафақат театр ва саҳна сирларини, айна пайтда ҳаётда яшаш ва курашни ҳам ўргандим. Тўғри, қолдиқим, йиқилдим, янгилигим, лекин ҳалол меҳнат туфайли қийинчиликлару машаққатларга бардош бердим. Газетада менга «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонини бериш ҳақида Президентимиз Фармони чиққан кунга ҳаяжонланганимни айтганимиз...

Чиндан ҳам саҳна ўз ҳаётига айланиши актёр учун остин керак бўлди. Унинг биринчи роли — «Темур» спектаклининг оммавий саҳнасидаги иштироки бундан мустасно Аброр Ҳидоятнинг «Аваз» спектаклидаги Убайдулло Мирзодий, Узининг айтишича, бу роли муваффақиятга чиқмагани учун устози (А. Ҳидоят)дан ахишига танбех ҳам эшитган. Шундан сўнг саҳнага чиқишга юраги дов бермас-да, устозининг «Саҳнада айтганидан фикринг, аввало, ўз юрагингда пишиб етилсин. Ҳамма нарса юракдан чиқмас экан, томошбинини ишонтиролмайдими, — деган сўзларини ўйига шор қилиб олди. Шунга таяниб ишлади, ижод қилди. Кейинги роли — «Жалолдин Мангуберди» спектаклидаги Темур Малик образи бўлди.

— Устоз ушбу ролини менга топширганда, гапининг очиги, ҳаяжонланганман, қўрққанман, — хотирлайди Зикир ака. — Аввало, «Устоз ўзи ижро этган ролини нега менга топширмоқда?» деган савол тўғрисида ҳаётимизда кўп марта мунозаралар бўлган. Бундан кўраки, актёрликни ҳавас қилган Зикир Муҳаммаджоновнинг «Алишер

Навоий» спектаклида бош қаҳрамон ролида биринчи марта Аброр Ҳидоятлов чиққан. Сўнгра у бетоблиниб, унинг ўринини Олим Ҳужаев эгаллади ва шох образ яратди. Оранда қирқ йилдан ортқорак вақт ўтгач, буюк шoir ролини ижро этиши бахтис. З. Муҳаммаджонов эришди. Унинг Навоийси «Одами Эсанг демагит одами, Онаним йўқ халқ гаமிдин

нотўғри. Ишимизнинг энг оғир кунда кун бўлади. Излашни, образинг мейвасига етмай қолганидан кўзаб бўлиш, режиссёрдан даққи эшитиш, бор-е деб остона хатлаб чиқиб кетиш, ёхуд барча қийинчиликларга чидаш учун ичкарида қилган кунда кунлари рўй беради. Кечқура эса саҳнага чиқаркансан, тортган азоб-ўқубатларинг унут бўлади.

Ҳа, Зикир Муҳаммаджонов — ўзбек театри санъати тараққийти йўлида бир муҳнат қилган фидойи актёр. У саҳнадан томошбаинга, халққа танилди, эътироф этилди, меҳнати юксак баҳоланди. Энг муҳими шунки, у «Олтин остона» деб таърифланган муқаддас даргоҳга ҳеч қачон гард қўйганимиз, хиёнат қилмади. Қўйин ва мушкул дамларда ҳам ўша остона ичкарида бўлди. Унинг турфа роллари одамлар қалбига эзгулик олим қилди, эрк ва озодлик томон чорлади.

— Утган эрининг 80-йилларида эстон режиссёри Жерекайтсунинг «Озодлик — энг ширин сўз» деб номланган фильмида ўйинганам дег суҳбатимизга яқун жсаиди актёр. — Ушанда инсоният ва дунё эркак қанчалик ташналигини яна бир бор англаганимиз. Зеро, менинг улуг, гигант устозларим ҳам, Беруний орғу қилганлик, «Ахир бир кун ёруғ кунлар бўлади-ку», жаҳонда. Ахир бир кун ҳақиқат чиқди-ку юзга... Истар эдим мен ҳам ўша чоғда яшашни дея ўзиб кетдилар. Улар орғу қилган замона мен яшаётган эканман, демак, уллар барҳаёт, мен билан биргиларди. Улар яратиб кетган ўлмас қаҳрамонлар сиймоси эса халқимиз ардоғида.

... Тошкентнинг Навоий кўчасига кўрк бағишлад турган кошона — Миллий театр эскидан чиқиб кетган Зикир акани эсимизда тилиб тушиб, танниш нотанишлар ўраб олишди. Ҳар бири ҳеч бўлмаганда актёр билан қўл бериб саломлашсам, дейди. Зеро, Зикир Муҳаммаджонов яратган образлар қарам-қаршилиги, эҳдиати, маънавий бойлиги, олижаноблиги, халқчилиги билан улларнинг қалбига. Актёрнинг ўзи эса ҳаммадан одамлар орасида, Ватан ва халқ зимматиди.

Кўпича куч-гайратта тўла пайтим мустабил тузумда ўтиб кетганидан афсусланаман. Ватаним ва миллатим улугвоҳчи спектакль ёки кино асарига яратилган қўла қалби-текир-текир, тўқонлар бўларди. Эътибор берганимиз, ўша даврда яратилган киноларимизда босмачилар кўп. Улар албатта ёвуз ва даҳшатли қиёфалар тасвирланган. Шуро замонида тайёр бўлган кинони аввал Москва кўрас, сўнг эҳранга чиқаришга рухсат берарди. Фильмда босмачилар бўлмасам, тамом, у тасдиқдан ўтмасди.

Бугун эса эркимиз ўз қўлимизда, имкониятларимиз етарли. Лекин замонамиз қаҳрамонининг муқаммал образи ҳозирча кинода ҳам, саҳнада ҳам йўқ. Вақоланки, уллар ҳаётда тўлиб-тошиб ётибди. Бўка воқеаларида Юртбошимизнинг халқни саяб қолган деб, отла турлиб ёнаётган ҳаётимиздаги кириб кетганини ўз кўзим билан кўрганман. Бугуннинг қаҳрамонини яратиш учун бундан ортқ яна қандай мисол керак?

Кўпича менга сизларнинг асосий ишингиз кечқура, кундузи бўлмасангиз, деган гапни айтишарди. Бу мушқоқ

Гулчехра Йўлдошева, «Халқ сўзи» мухбири.

ЮРТИМИЗ ФАХРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Комбинат — кўп тармоқли. Қўплан-кўп завод ва корхоналарида тайёрланаётган заргарлик буюмлари, сайқалланган мармар плиталар, машинасозлик, ремонт-механика заводлари маҳсулотлари, халқ истеъмоли молларига мамлакатимизга эмас, балки бир қатор чет элларда ҳам харидорлар кўп. Бир сўз билан айтганда, йиллик маҳсулот ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу ёғни ўзингиз кўз олдигизга келтираверинг.

ромат келтираётир. Кон захираси ва руда таркиби бойлигини аниқлашда компьютер технологиясига асосланган математик ҳисоб-китоблар тизими эса жаҳонда ўхшаши йўқ лойиҳа. Унинг жорий этили-



ши ҳисобига рудадан фойда олиш даражаси 15-17 фоиз ортди. Мурунтов қонидан ундан фойдаланишнинг иқтисодий самараси эса 150 миллион доллардан ошди.

Комбинат раҳбариятининг минтақа аҳолисини турмуш даражасини кўтариш ва барқарорлаштиришга қаратилган тадбирлари ҳам диққатга сазовор. Кор-

хонанинг ишлаб чиқариш кучлари мамлакатимиздаги 5 та виллоят ҳудудига жойлашган бўлиб, минтақадаги қўпланб аҳоли уларга иш билан банд.

Комбинатнинг ўзига қарийб 60 минг киши ишлаётган. Уларга яратилган шарт-шароитларга ҳавас қилса аризулик. Хусусан, иқтисодий соҳага йилга 80 миллион доллардан ортқ маблағ ажратилганлигининг ўзбек маъzur соҳага эътиборнинг юқорилигиндан далolat беради. Шунингдек, комбинатда болалар спортини ривожлантиришга ҳам 543 миллион сўмлик амалий ёрдам кўрсатилди.

Элликан зиёд милолат ва эллата мансуб аҳд ҳамма эса эртанинг кунга ишонч билан боқиб, Ватанимиз мустақиллигини янада мустақамлаш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқда.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кунгабоқар кимга боқар?

«Қондиқулгуруч» акциядорлик жамияти қошида ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи цех ишга тушди. «Ғаллабанк»нинг Қорақалпоғистон филиали томонидан олинган кредит ҳисобига очилган ушбу корхонага Россияда ишлаб чиқарилган ускуналар келтирилди. Бугунги кунда шехда кунига 5 тонна хомашё қайта ишлашиб, 1,5 тоннадан зиёд ёғ ишлаб чиқариламоқда. Натижанда 12 киши иш билан таъминланди.

Келгуси йилда бу ёрда қадоқлаш цехи қуриш ҳам режалаштирилмоқда. Бу нафақат Қондиқул, балки қўшни Қўнғирот, Мўйноқ, Шуманай туманлари аҳолисини ҳам кунгабоқар ва кунжут ёғи билан таъминлаш имконини беради.

Ўз мухбиримиз.

Бизнинг суҳбат

Мамлакатимизда ўтказилаётган суд ислохотларининг мазмун-муҳати нимага асосланган? Умуман, суднинг жамиятга тўғатган ўрни қандай? Суд ислохотларида алоҳида эътибор берилётганининг босиси нимада? Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раиси Каримжон САИДҚОВ билан суҳбатимизни шу мавзудан бошладик.

СУЛГА МУРОЖААТ маданий даража белгисидир

— Мазлумки, ҳуқуқий муҳофиза қилувчи органлар ички дафқат судгагина давлатнинг номидан қарор қабул қилиш ваколати берилган, — дейди К. Саидов суҳбатимизда аввалда.

— Шу нуқтага назардан қараганда, судларнинг фаолияти маълум маънода жамиятдаги ижтимоий онгининг у ёки бу тарзда ўзгаришига таъсир қилиши мумкин. Жўмладан, агар фуқаро ўзининг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида судга мурожаат қилган бўлиб, унинг бузилган ҳуқуқлари суд томонидан тикланган тақдирда, у давлат номидан шундай қарорни қабул қилган суд билан биргаликда биринчи навбатда жамият ва давлатдан рози бўлади. Адолат борлигига ишонч ҳосил қилади. Суд томонидан аксинча, ноқонуний қарор қабул қилинганида эса фуқаро шундай қарорни қабул қилган суд билан биргаликда жамиятдан, давлатдан норози бўлади. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг тўб мазмун-моҳияти ҳам фуқароларнинг Конституция ва қонуилар билан қўрилган ҳуқуқларини қўллаш билан алоқадорлигини кифоятлаш, оқил судловнинг сифати ва самардорлигини янада ошириш, бу вазифаларни бажариш учун суднинг обрўсини ва макенини ошириш ҳамда унинг амалдаги Конституция ва қонуиларга назарда тутилган ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилгандир.

— Таъбиқки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ўта маъсулликни ваъзифаларни муваффақият билан амалга ошириш учун судларга тегишли шароит яратилмоғи лозим. Мамлакатимизда жадал сурьатлар билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жароғини бу маъсала бўйича бугунги кунда қандай ишлар олиб борилаётган?

— Судларга оқилликнинг ниҳоятда маъсулликни ваъзифаларни муваффақият билан амалга ошириш учун, ҳақиқатан ҳам, улларга тегишли шароит яратилмоғи лозим.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари бўйича амалга оширилган энг муҳим масала

лардан бири — бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони асосан судларда ихтисослашувнинг рўёбга чиқарилиши бўлди.

Мазлумки, бунга қадар фуқаролик ва жиноят ишлари битта суд томонидан қўрилиб, ҳал қилинар эди. Бундай ҳолат судлар учун ҳам, фуқаролар учун ҳам маълум қийинчиликларни келтириб чиқарарди. Айниқса, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш тартибига солинадиган муносабатларнинг ниҳоятда кенглиги нуқтага назардан анча мураккаб бўлиб, албатта, бу низоларнинг ўз вақтида тўғри, қонуний ва адолатли ҳал қилинишини таъминлаш учун бу соҳа бўйича тегишли мутахассис судьяларнинг бўлиши зарур эди.

Судларда бундай ихтисослашувни амалга ошириш бўйича ниҳоятда тўғри йўл тутилганлигини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ҳам тасдиқлаб турибди.

Фуқаролик ишларини қўриш бўйича амалга оширилган умумлаштирувлар, ҳисобот таҳлиллари судлар томонидан қўрилиб ҳал қилинган фуқаролик ишларининг сифати бу ишларни ҳал қилиш мудалатлари бирмуҳта аҳинланганлигидан далolat бермоқда.

Судлар томонидан қўрилиб, ҳал қилинган ишлар юзасидан қарор давлатнинг номидан қабул қилиниши ҳам ҳаммага аён. Ихтисослашув натижасида судлар томонидан чиқарилаётган қарорларнинг амалдаги ҳам маълум ижобий ўзгаришлар юз берибди.

— Каримжон ака, ишларни юқори судларда апелляция тартибидан қўриш Конституциянинг жорий қилиниши ҳам суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим хусусиятларидан бири. Шундай эмасми?

— Ҳақиқатан ҳам, 2000 йил декабрдан Фуқаролик процессуал кодексига юқори туручи судлар томонидан ишларни апелляция тартибидан қўриш билан боғлиқ тегишли ўзгаришлар киритилди, фуқароларнинг судга мурожаат этиши

йўли билан ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишига янада кенроқ имконият яратилди. Юқори туручи судларнинг эса ишларни бевосита мазмунан ҳал қилиш билан боғлиқ ваколатлари кенгайтирилди ва фуқаролик ишларининг қўрилишига йўқ қўйилиши мумкин бўлган сансалоҳликка маълум маънода барҳам берилди.

Юқори туручи судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция тартибидан қўриш билан боғлиқ бундай қандайдир жорий қилинган фуқароларнинг ўзлари ҳам рози.

— Суд ислохотларини амалга оширишда қадар маъсалага қандай эътибор берилган?

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сийбати даражасига кўтарилинган суд-ҳуқуқ ислохотларининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳам судларга юксак даражадаги ҳуқуқий билим, малака, маълум ҳаёт тажрибасига эга, йилмон-этиқолиди, яқин инсоний хусусиятларга эга бўлган кадрлар захирасини ташкил қилиш ва бу хусусияти энг муҳим масалалардан бири эса судларга кадрларни таллашда адолат ва ошқоралик тамойилларига риоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Шу нуқтага назардан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурида Судьяларни таллаш ва лавозимларга тасвия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг ҳамда жойлардаги судьяларнинг малака ҳайратларининг бу масаладаги фаолиятини алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг виллоятимизда ҳам судларга кадрлар захирасини таъбирлашда айнан шу масалага алоҳида эътибор берилмоқда.

— Юқорида қайд қилганингиздек, суд қадарига алоҳида эътибор берилмоқда, шу нуқтага назардан бу соҳада узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган судья сифатида судьялар қандай хусусиятларга эга бўлишлари керак, деб ўйлайсиз?

— Айтишларига қараганда, судья (қозилар) ҳоким со бўлган ақл-доб, юрчи-торчи, ўзаро муомала умумлашган мезонини бўлган эди, шу нуқтага назардан, судья биринчи навбатда йилмон-этиқолиди, илмий, билим, оқиллик, ҳушёрлик, ўта маданиятли, иродатли бўлмоғи, адолат тарозисини эса тўғри ушлай билимоғи лозим.

Бундай фаилларга эга бўлмаган киши инсонлар тақдирини ҳал қилиш билан боғлиқ ниҳоятда мураккаб ва маъсулликни суъдалик ваъзифасини адо этиши қийин, албатта.

Судбўдош: Адилбаҳон ҲАЙРАТ қиз.

Диққат, тажриба!

Эхтимол, ўзингиз ҳам кўргандирсиз, эхтимол, орқавадотдан таъбирини эшитгандирсиз: 2000 йилдан бошлаб Жиззах ва Қорақалпоғистон томонларида, жорий йилдан эътиборан Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё тарафларида хўп гаройиб, мўъжазгина «пўлат қуш» лар пайдо бўлди. Улар, бир қарасангиз, қир-адиқлару ўтлоқ-айиқлару узра қанот ёйиб, бургут мисоли дадил паства шўнғийди. Бир қарасангиз, гилдираклари ўсимликларга теғар даражада пастлашиб, ғаллазору экинзорлар устида ҳар узради. Ҳар киши ҳолатда ҳам гоҳ зараркунда ҳашаротларга қарши, гоҳ ёввойи ўтларга қарши кимёвий дори сепиб ўтади...

Моторли дельтаплан, шунингдек, иш унумдорлиги юқори, иқтисодий жиҳатдан анча тежамкор машина. Маасалан, «АН-2» самолётига бир бора тўлириб қўйилган кимёвий аралашма 12-14, ер усти пурқакчида (ОВХ)ники 2-7 тектар майдонга сепилса, «Понек-06СХ» юз литр сувга аралаштирилган 500-1000 грамм мик-

чилиб кетмай, ўсимликлар устига бир маромда тушишини таъминлайди.

Моторли дельтаплан, шунингдек, иш унумдорлиги юқори, иқтисодий жиҳатдан анча тежамкор машина. Маасалан, «АН-2» самолётига бир бора тўлириб қўйилган кимёвий аралашма 12-14, ер усти пурқакчида (ОВХ)ники 2-7 тектар майдонга сепилса, «Понек-06СХ» юз литр сувга аралаштирилган 500-1000 грамм мик-

«АГРО-ПАРВОЗ» Кўзлаётган УФҚЛАР
лограммага гош босади. Шунга қарамай, мўтадил об-даво шароитида уш минг метр тепаликка бемалол кўтарила олади. Олтимиш дақиқа мобайнида махсус авиация ёнглиги 9-12 литр антомознага 90 қадиримлик масофани осонгина босиб ўтади. Дори сепаятганда эса дельтари ёр бағирлаб — 1-5 метр баландликда, соатига ўртача 65 километр тезликда ҳаракатланади. Бу, аввало, учувчига шундоққина оёғи остидати майдоннинг ҳар қарчилиги тўдиқ қўриш имконини беради, аксинчидан, 30 метр кенликда пурқалаётган препаратнинг ён-атрофда беҳуда со-

қилгандик, — дейди «Агро-Парвоз» кўп тармоқли авиация ишлаб чиқариш корхонаси Бош директори Сайфидин Уроқов. — Тажриба тариқасида унинг ёрдамида

Бош вазирлар учрашуви

Пекинда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг ишида ташкилотга аъзо давлатлар — Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия Федерацияси ва Хитой бош вазирлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Уткир Султонов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этиди.

Дустона, ҳамжиҳатлик ва ишчанлик руҳида ўтган уч-

рашувда ҳукумат раҳбарлари Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти механизмидаги мустақамлаш, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларини атрофлида муҳокама қилди. Ҳамда бу борада яқдил фикр билдирдилар.

Ингилиш якунига кўра, ШХТ давлат раҳбарларининг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури тўғрисидаги Кенгаш қарори, ШХТ 2004 йилги бюджети тўғрисида-

ги Кенгаш қарори, ШХТнинг доимий фаолият юритувчи органларида штатда бўлган ходимларнинг молиявий таъминоти, кафолатлари ва компенсацияларига доир низо тўғрисидаги Кенгаш қарори, ШХТнинг террорчиликка қарши минтақавий ижроия комитетининг тузилмаси ва штат жадвали тўғрисидаги Кенгаш қарори имзоланди.

Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари кенгаши якунига кўра, Қўшма Баёнот қабул

қилинди.

ШХТ доирасида кўп жабҳали ва кўп босқичли учрашувлар механизми яратилди ҳамда шунга мувофиқ ҳуқуқий асос барпо этилди.

ШХТнинг доимий фаолият юритувчи икки органи — Пекиндаги котибият ва Тошкентдаги террорчиликка қарши минтақавий тузилманинг тўлақонли иш бошлаши мазкур ташкилот учун муҳим аҳамият касб этади.

Ғайрат ШУКУРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.



Афина олимпиадага тайёрланмоқда

ЕХХТ маклифи

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Минскдаги вакили сайловларга бир йил қолганда, Беларусь сайлов кодексига ўзгартиришлар киритишни таклиф қилди. Ташкилот матбуот котиби Хайди Смит сўзларига қараганда, сайловларни ҳаққоний ўтди деб ҳисоблаш учун, бир қатор шартларни, яъни кузатувчилар ҳуқуқини ва муддатидан олдин ўтказилган сайловлар ошқоралигини таъминлаш керак.

Европанинг навбатдаги ёрдами

Европа комиссияси кейинги ҳафтада Ироқни тиклаш учун ажратилган молиявий ёрдам миқдорини эълон қилди. Бундан илгари комиссия аъзолари бу мақсадларга 100 миллион евро ажратишни ваъда бергандилар.



Чиқиндидан қурилиш материаллари

Мексикада кунга 600 тонна пластмасса чиқиндилари тўпланиб қолди. Бу керакисиз маҳсулотларнинг йўқ бўлиб кетиши учун 500 йил керак. Энди эса бу чиқиндилар мустақам ва арзон қурилиш материалларига айлантирилди. Пластик чиқиндиларни қурилиш материалларига айлантириш технологиясини Мексика Миллий университети тадқиқотчилари ишлаб чиқиди.

бундай ёпиб ташланди. Бундан ташқари, АҚШда фаолият кўрсатган «Катта ёрдамлар» жамағатлари, Халқаро хайрия жамағатлари ва «Муқаддас ерни ривожлантириш ва ёрдам» жамағатлари ҳам террорчиларни пул билан таъминлагани учун ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Ўзбекистон терроризмининг ҳар қандай кўринишларига қарши курашни дунёда биринчилардан бўлиб бошлаган эди. Президентимиз юксак минбарлардан туриб, бир неча бор жаҳон афкор оммасини хушёрликчи, бу муҳим иллатта қарши курашда бирлашишга чақирди. Ҳаёт бугун Юрғбонимиз юз бора ҳақ эканлигини тасдиқлади. Бутун дунё мамлакатлари, ниҳоят, бирлашиб халқаро терроризмга қарши кураш бошладилар. Ва бу кураш яқин йилларда ўз самарасини беради. Терроризм маблағ манбалари епила бошлагани учун бутун зўрға нафас олиб турибди. У гўё томирлари сувга эммай қолган дарахтга ўхшаб қолди. Агар кураш шу зайдда давом этадиган бўлса, бунга ҳеч шубҳа йўқ, яқин вақт кийди бу дарахт, албатта қурибди.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Меҳмонхона портлаштиб юборилди

Боғдогдаги чет эллик журналистлар яшаётган «Айке» меҳмонхонаси портлаштириб, яна бир неча киши жароҳатланди. Меҳ-



монхонада Американинг йирик Эн-би-си телеканалининг мухбирлик пункти жойлашган эди.

Ироқ полицияси ходимларининг сўзларига қараганда, бомба бинонинг хоналаридан бирига ўрнатиб кетилган.

«Queen Mary-2» сувга туширилди

Дунёдаги энг катта кема «Queen Mary-2» сувга туширилди. Синовлар учун давом этади. Кема оғирлиги 150 тонна, узунлиги 345 метр, баланглиги эса 70 метр. Кема 21 палубага эга. У соати-га 45 км тезликда юра олади. Кема нархи 550 миллион фунтни ташкил қилади. «Queen Mary-2» ўз бортига 3090 йўловчини сиғдира олади. Бешта басейн ва етти та ресторан йўловчилар хизматидага тайёр турибди.

Дастур амалга ошмади

АҚШ ҳукумати Грузияга ажратилаётган молиявий ёрдам миқдорини камайтирмоқчи. Бунга сабаб, Тбилиси маъмурияти мамлакатда авж олган коррупцияга қарши кураша олмаётганидир. Молиявий ёрдам дастурининг координатори Томас Адамс сўзларига қараганда, Грузия АҚШ томонидан кўйилган шартларни бажармапти.

Қимматли маълумотлар олинди

Ироқнинг собиқ мудофаа вазири Султон Ҳошим Аҳмад ўз хоҳиши билан АҚШ ҳарбийларига таслим бўлганидан сўнг у юридик дахлсизлик мақомини олди. Ок уй вакиллари Султон Ҳошим Аҳмад Ироқнинг қуроллини дастури ҳақида қимматли маълумотлар беришига ишонимда.

Хуришд РАҲУПОВ тайёрлади.



Учувчилар норозилиги

Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг бир гуруҳ учувчилари Фаластин мухторияти ҳудудига ўт очишдан бош тортдилар ва ҳарбий ҳаво кучлари кўмондони номига хат ёзиб, ўз норозилиklarини билдиришди.

Маълумки, Исроил томони тез-тез Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо минтақасидаги Фаластин жангарилари жойлашган лагерларга ҳаво ҳужумлари уюштириб туради. Ҳукумат бу тadbирларни «нуқтали зарба» деб атади. Фаластинликлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар вакиллари эса бунини босқинчиликдан бошқа нарса эмас, дейдилар.

Учувчилар томонидан ҳарбий ҳаво кучлари кўмондони номига ёзилган хат Исроил матбуотида чоп этилди. Исроил телевидениесининг иккинчи канали шарҳловчисининг таъкидлашича, учувчилар тинч аҳолининг ҳам жабр тортишига сабаб бўладиган ҳаво ҳужумлари уюштиришдан бош тортмоқдалар.

Уч томонлама музокара

Германия, Франция ва Россия давлат раҳбарлари чоршанба кuni Нью-Йоркда учрашдилар. Бу учрашув уч мамлакатнинг Ироқ масаласи бўйича фикрларининг бирлиги ва Ироқнинг тик-



ланишида жаҳон ҳамжамияти родини ошириш борасида АҚШ таклифларини амалга оширишга ёрдам беради. Уч давлат раҳбарлари БМТ Бош Ассамблеясининг йиғилишида қатнашиш учун Нью-Йоркка келган.

Томонлар келишувга эришди

Судан ҳукумати ва мамлакат жанубидаги исёнчилар ўртасида музокара-лар бўлиб ўтди. Маълумотларга қараганда, музокарада йигирма йилдан бери давом этаётган урушни тўхтатиш масаласи муҳокама этилган.

Музокаралар кўши Кенияда олиб борилди. Томонлар хавфсизликнинг асосий масалалар бўйича келишувга эришдилар.

Газетхон мулоҳазаси

Тинчлик сари йўл

Дунё ривожланиш, бунёдкорлик асри бўлишини хоҳлайди. Аммо Ер шарининг турли бурчакларида содир этилаётган инсонлар инсониятининг саросимага солиб турибди. Жаҳонда тинчликнинг барқарор бўлиши, кўпгина омиқларга боғлиқ, деб ўйлайман. Булар, аввало, тинчликсевар халқларнинг БМТ атрофида қатъий ишлага-либ бориши, фан-техника ютуқларининг тинч қурилиш ишларига кенг жалб қилини-шини таъминлаш, шунингдек,

кимёвий бактериология, атом сингаги қирғинбарот қуролла-ридан имкон қадар тинчлик йўлида фойдаланиш, турли диний экстремизм, террорчи кушларга биргалликда курашиш ва бошқалар.

БМТ дунёдаги ягона кучли ташкилотга айлантирилиб, юқорида айтилган фикрлар унинг асосий фаолиятига жам-ланса, жаҳонда, жумладан, ҳар бир давлатда мустақам тинч-лик ўрнатилган бўлар эди.

Браҳмат САИТОВ.

Бухоро.

Санъат оламида

Парижда кўнрақ театраларнинг 13 халқаро фестивали бошланди. Унда 39 мамлакатнинг 135 жамоаси иштирок этмоқда. Шунинг қизиқи, бу гади фестивалга асосан француз тилида сўзла-шуви мамлакатлар вакиллари таклиф этилган.

Испаниялик киночилар рўқоний Антонио Линд ҳақида ҳикоя қилувчи «Томбо ота» ҳужжатий фильмининг суратга олиб бўлиниди. 38 ёшли рўқоний Чиллада генерал Пиночет режими даврида изенс бўлган.

Ўтган ҳафтада Москвада 30 давлатдан ташриф буюрган 300 дан ортиқ экспертлар иштирокида ядро қуролини тарқатмаслик юзасидан иккинчи халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Эрон ва Шимолий Корея ядро дастури муҳокама этилди. Маълумки, АҚШ маъмурияти бу икки давлатда ядро қуроли ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилаётганини эътироф этмоқда.

Эрон вакили Али Солтане бунга жавобан Эрон ядро қуроли яратиш борасида ҳеч қандай дастурга эга эмаслиги, фақатгина бошқа давлатлар қатори атом энергиясидан фойдаланиш йўлида илмий изланишлар олиб борилаётганини маълум қилди.

МАГАТЭ ядро қуроли яратиш йўлида илмий тадқиқотлар олиб борилмаётганини исботлаш учун Эронга октябрь охиригача муқаддас.

АҚШнинг Москвадаги

элчиси Александр Вершбоу конференцияда сўзга чиқиб, иштирокчиларга Шимолий Корея воқеасини эслатди. Дунёда ядро терро-

жума кuni Россия атом энергияси вазири Александр Румянцев чиқиш қилиб, Россия Эрон билан ҳамкорликда фақатги-

га айлантирди. Улар бошқа давлатлар каби, Эрон ҳам атом энергиясидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини айтишмоқда.

Эрон масаласида АҚШ ва Россия муносабатларига бироз совуқчилик тушмоқда. АҚШ давлат департаменти Тула конструкторлик бюросига нисбатан Эронга қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи технологиялар сотанилиги учун 25 августдан бошлаб бир йил муддатта иқтисодий санкция қўлади.

Тула конструкторлик бюроси бош муҳандиси ўринбосари Андрей Морозов Эронга ҳеч қандай қурол-яроғ етказиб берилмаганини ва АҚШ томонидан қўлланилаётган иқтисодий санкция асосисиз эканлигини таъкидлади. Нима бўлганда ҳам, инсоният бугун ўзи яратган қуроллар қурбонига айланмаслиги керак. Шу йўлда барча давлатлар баҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилмоқлари лозим.


Юнус БУРОНОВ.

МАГАТЭ МУҲЛАТ БЕРДИ

ризм хавфи-қучайиб бораётганини таъкидлади. Бундан ташқари, Вершбоу МАГАТЭ аъзоларини Эроннинг ядро қуролига эга давлатга айланмаслиги учун барча ҳаракатларни қилишга ундади.

Россия Ташқи ишлар вазирлиги вакили Михаил Лисенко МАГАТЭ аъзолари Эрон масаласини иқтисодий санкция қўллаш ёки ҳарбий ҳаракатлар орқали эмас, балки дипломатик музокара йўли билан ҳал қилишга чақирди. Бунда у қўшимча протокол тузишни таклиф қилди. Ўтган

на атом энергиясидан фойдаланиш устида илмий изланишлар олиб бораётганини билдирди.



Эрон дипломатларининг яқдиллик билан ўз давлатларини Эрон масаласини муҳокаманинг бош мавзуси-

бўйича бугун дунёнинг барча мамлакатларида қилдирув ва суриштирув ишлари олиб борилаётти. Бунинг қуйидаги миқдорлардан ҳам билиш мумкин.

ташкilotлар ҳам фаол иштирок этапти. Масалан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳамжамият аъзоларини террорчиларни маблағ билан таъминлаш-

СУВСИЗ ҚОЛГАН ДАРАХТ

албатта қурибди

айтилишича, жаҳондаги барча тинчликсевар кучларнинг, халқаро ташкилотларнинг биргаллиги сабаб, ҳаракати туфайли бу борада катта муваффақиятларга эришилмоқда. Жумладан, террорчиларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган 136,7 миллион доллар маблағга эга бўлган 1439 та ҳисоббарак музлатиб қўйилди, 315 шахс ва ташкилот террорчилар рўйхатига киритилди. Жаҳон давлатлари томонидан 60 миллион доллардан кўпроқ маблағ террорчиларга алоқдор бўлгани учун мусодара қилинди.

Террорчилар маблағ манбаларини топиш ва йўқ қилиш

Жаҳондаги 209 та давлат террорга қарши курашни қўллаб-қувватлади. 173 та мамлакатда террорчиларга хизмат қиладиган пул маблағларини топиш ва ҳисоббаракларни музлатиб қўйиш бўйича фармон ва қарорлар қабул қилинди. 100 та давлатда бу муҳим иллатни маблағ билан таъминлашга ғов бўладиган янги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Эр юзидagi саксон мамлакатда террорчиларни маблағ билан таъминлаш масалаларини ўрганиш ва ахборот алмашиш учун махсус молиявий разведка бўлими яратилди.

Бу муҳим курашда халқаро

ташкilotлар ҳам фаол иштирок этапти. Масалан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳамжамият аъзоларини террорчиларни маблағ билан таъминлаш-

га қарши курашга ундовчи 1372 ва 1390-резолуцияларини қабул қилди. Албатта, жаҳон жамоатчилиги томонидан олиб борилаётган бу кураш аста-секин ўз самарасини бера бошлади. Масалан, «Хамас» террорчиларини маблағ билан таъминлаб турган Германияда жойлашган «Ал-Акса» халқаро жамағатининг алоҳида рўйхатга киритилиши унинг ўз фаолиятини тўхтатишига олиб келди. Шунингдек, Сомалида жойлашган «Ал-Баракат» компанияси узок йиллар «Ал-Қоъда» террорчилик гуруҳини қўллаб-қувватлаб келган эди. У ҳам алоҳида рўйхатга киритилгандан сўнг

Ўзбекистонликларнинг қўли баланд

ки у мусобақанинг иккинчи рақамли теннисчиси деб эълан қилинган Еу Тзу Вангнинг чорак финалга чиқишига йўл қўйилди. Мурод анча тажрибали рақибга ҳеч қандай имконият қолдирмай, 6/3 ва 6/2 ҳисобларида ғалабага эришди. Энди у бу босқичда ҳамюртининг Олег Огородовни ютган покстонлик Ансеем Курешига қарши кортта тушди.

Дмитрий Мазур аввалги босқичда биринчи рақамли теннисчи Ер Хсуи Луни ентган япониялик Хироки Конода билан жуда оғир «жанг»нинг ўтказди. Салкам икки соатта яқин давом этган беллашувда Хирокининг таслим бўлиши келмасди. Лекин Дмитрийнинг ғалабага бўлган иштиғи япониялик теннисчисиникидан ус-

тун эканлиги ўйин сўнгиди билинди: 6/3, 7/5. Немчорак финалнинг яна бир учрашувида икки ҳамюртимиз — Вадим Кузнецко ва Важа Узоқовлар кураш олиб боришди. Еш Узоқов мамла-



катимизнинг биринчи ракетка устасига муносиб қаршилик кўрсата олмади: 1/6, 1/6. Чорак финалга 4 нафар ҳамюртимиздан ташқари индонезиялик Феби Вилдхянтто, қозғистонлик Алексей Кодрюк ва ҳиндистонлик Харш Манкалар йўл олишган.

Аёллар ўртасида эса бир вақтда чемпионатни толашганлар сифида кузатилган бўлди. Елена Арутюнова ва Осейнинг тайчик ракетка соҳибаси, еттакчилик Чен Вей Чанга имкониятини бой бериб қўйди. Иванна Исроилова учун ҳам бу тур жуда қийин кечди. Худди аввалги босқичдагидек биринчи сетада корейлик Жин Юнг Чойга ютқазиб қўйган Иванна кейинги сетларни ўз фойдасига ҳал қилди. Якуний ҳисоб: 3/6, 6/4, 6/2.

Дилмурод ПАРПИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шу йилнинг 13 декабрь кuni Америка Қўшма Штатларининг «Атлантик-Сити» рингидида ўта оғир ваэпни боксчилар Девид Туа ва Ҳасим Раҳмон ўртасида WBA чемпионлик камари учун жанг бўлиб ўтди. Аслида бу йўналишдаги чемпионлик Рой Жонсга тегишли эди. Рой 2002 йил октирларида ўрта оғир вазндан супероғир вазнга ўтди.

Рой Жонс камари кимга насиб этади?

Эслатиб ўтамиз, шу лайтгача Девид Туа ва Ҳасим Раҳмон рингда икки бор тўқнашган. 1998 йил 19 декабрдаги биринчи баҳса Туанинг қўли баланд келган. Ушунда 9-раунд аяқланганини билдирувчи занг янграганда, Туа Раҳмонга кулчи зарба йўллаб, рақибини оғир аҳволга солиб қўйганди. Натига эса бирчата маълум... Жангдан сўнг ҳакамларни нотўғри қарор чиқарганликда айблаган Ҳасим ўзининг рақибидан кучли эканлигини кейинги бор рингга кўтаришда исботлаб қўйди. 12 раунд давом этган иккинчи баҳса очколар бўйича Раҳмон ғалабага эришди. Қани курагимиз, бу гал кининг қўли баланд келаркин? Ҳа, дарвоқе, 13 декабрь кuni «Атлантик-Сити»да ким муваффақият қозонса, WBC, IBF йўналиши чемпиони Леннокс Льюнсга қарши рингга чиқиши мумкин.

«15 кун футбол ўйнаш тақиқлансин»

Аргентина суди миллий чемпионат ўйинларининг навбатдаги «Бока-Хунор» ва «Накарити» жамоалари баҳсидagi тартибсизликлардан сўнг ана шу қарорни чиқарди. Бунинг сабаби — иккала жамоа учрашувида юзга келган нотинчлик оқибатида 100 нафарга яқин киши тан жароҳати олган. Маҳаллий газеталарнинг ёзишича, жароҳатланганларнинг айримлари оғир ахволда. Энди Буэнос-Айресда 15 кун давомида футбол ўйнамайди. Шунингдек, янги ой мобайнида пойтахтлик позицияларда футбол учрашувларига хизмат кўрсатишмайди. Бу суднинг қарориди кўрсатиб ўтилган.

Ўқувчию талаба ҳашарга чиқмаса...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунинг учун ҳам Қашқадарёда бу йил бутунлай бошқача йўл танланди. Вилоят ҳокими «2003 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга иш билан банд бўлмаган аҳолини шартнома асосида жалб этишни йўлга қўйиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Иш билан банд бўлмаган 89 минг 66 киши билан меҳнат қўнунчилигига тўлиқ ривож қилган ҳолда шартнома тузди, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Азамат Товашов. — Уларнинг 19 минг нафари ишончли, 2600 нафари ишонсизлик мақомига олган. Энди-чи? Пахта теримида қатнашган вақтлари иш стажига кирди. Фермер ёки ширкат ҳужалиги ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармаса, суд орқали ҳақини ундириб олиши ҳам мумкин. Чунки шартнома тузилган. Унинг шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари тўла бажарилишини қўшқорларни йиғинлари раҳбарлари назорат қилиб боришади. Бу ишга шу йил июль ойидан киришган эдик, сентябргача ниҳоясига етказдик.

Мана, сизга имконият. Борингки, 89 минг кишидан 10 минг нафари у ёки бу сабабларга қўра, теримда тўла қатнашолмаслиги мумкин. Шунда ҳам 80 минг киши 3

ой давомда ишлашга тайёр. Демак, ўқувчилари пахта теримига жалб қилмаслик чораси топилди.

Яна бир гап. Қишлоқ одамларининг айтишларича, пахта теримида қатнашганларга дурустроқ ҳақ тўланса (одатда иш ҳақи терим бошида берилиб, қолганлари насия қилинади), бутун аҳоли далага кўчиб чиқади. Талабаларни овозга қилиб юришга сира ҳолат қолмайди. Бизнингча, бу гапда жон бор. Терим бошида пулни кизганиб, об-ҳаво айнагач, нархни оширишдан кимга фойда? Аввало, терим чўзилгандан чўзилади. Ёмғир шир этса, пахта нави пасаяди. Теримчилар-у ҳашарчиларнинг иш унуми камаydi. Кўпчилик турли баҳоналарни рўқач қилиб, теримдан ўзини четга олади. Ишонмасангиз, 2002 йилги пахта штаби маълумотида қайд этилган ушбу далилга эътибор қилинг: ўтган йили 16 сентябрдан 30 сентябргача вилоят бўйича 219 минг 820 киши теримда қатнашган ва ҳар бир киши ўртача 52 килограммдан пахта терган. 1 октябрдан 31 октябргача 213 минг 798 киши пахтага чиққан. Ҳар бир теримчи терган пахта ўртача 29 килограммга тўғри келган. 1 ноябрдан 30 ноябргача эса 133 минг 772 киши теримда иштирок этган! Бир кунда бир теримчи 13 килограмм пахта териб

берган. 1 декабрдан 11 декабргача эса бор-йўғи 41 минг 774 киши далага чиққан. Уртача 2 килограмдан пахта терган.

Шу мисолнинг ўзиёқ пахта теримига янгица ёндашув зарурлигини кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Қашқадарёга ташири чогида деҳқонларга «Дефоляция керакми-йўқми?» деб савол берди. Айрим деҳқонлар «Керак эмас», дейишди. Аммо Юртбошимиз масаланинг моҳиятини, дефоляциянинг аҳамиятини тушунтиргач, бир оғиздан «керак» дейишди. Эндиликда вилоятда гуза баргини суний тўқтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу теримнинг чўзилиб кетмаслиги кафолатидир.

Ўқувчию талабани ва бошқаларни қўстоб билан пахта теримига сафарбар этиш хунук ҳолатларни келтириб чиқаради. Қарши давлат университети ректори Г.Худойберганоўнинг маълумотига қараганда, 2001-2002 ўқув йилида 3044 нафар талабанинг 1032 нафари тиббий назорат комиссияси хулосасига қўра, пахта теримидан овоз қилинган. (Айтиш керакки, ТНҚ маълумотномасини олиш талабаларга 50-60 минг сўмга тушмоқда). Кейинги ўқув йилида эса 212 нафар талаба шундай хулоса билан теримда қатнашмаган. Ректорнинг билдиришича, бунга сабаб тиббий назорат комиссияси талабалар таътил-

пахта далада қолиб кетадими?

да бўлган 15-16 август кунлари ишлаган. Натيجала 374 нафар йиғит-қиз шундай хулосани олмасда, ҳашарга бормаган. 2002 йилда университет талабалари 3988 тонна пахта терган. Бу вилоят умумий хирмонига уларнинг қўшган ҳиссаси 0,94 фоизга тўғри келади, демакки. Қарши муҳандислик-иқтисодий институт талабаларининг умумий хирмондаги ҳиссаси 0,53 фоизга тўғри келган. Устига устак, институт талабалари 2001 йилда Косон тумани хўжаликларидан 400 минг сўм қарз ҳам бўлиб қолишган.

Бас, шундай экан, талабаларни уч ойлаб пахтага чиқаришнинг ҳолати борми? Йўқ! Бунинг учун, энг аввало, хўжаликлар, фермер хўжаликларини аъзоларининг теримда тўла иштирок этишларини таъминлаш лозим. Иккинчи шарт — моддий манфаатдорликни ошириш, яъни теримга дурустроқ ҳақ тўлаш лозим. Эътибор қилинг: булар 16 сентябрдан 30 сентябргача хўжаликларнинг, фермерларнинг 113 минг 103 авзоси теримга чиқ-

қан. Октябрдан бу кўрсаткич 101 минг 897 нафарга, ноябрь ойидан 62 минг 476 нафарга тушиб қолган. Декабрда 23 минг 802 нафарни ташкил этган.

Хўш, уларнинг қолганлари қабққа кетди? Ким бу билан қизикди? Ҳеч ким. Фақат ўқувчию талабага суяниб қолиши. Каттақонлар тонг отаргача чўзилган «селектор» йиғилишларида микрофонга уриб бақирибдан чарчашмади. То янги йўлга қалар ўқувчи, талабаларни унда-бунда бир чигити ялтйраб турган пахтазордан чиқаришмади. Бундай аҳволда «режани бажариш» обрў келтирдими? Йўқ, Президентимиз бундай раҳбарларни ва уларнинг яроқсиз иш услубини қаттиқ танқид қилди.

Шундай экан, нега вилоятдаги маъжуд пахта терим машиналари кучидан унумли фойдаланилмайди? Вилоятда жами 205 та пахта терим машинаси бор. 104 таси замонавий «Кейс» русумли машиналардир. Ҳар бири билан мавсум давомида 350-400 тонна пахтани йиғиштириб олиш мумкин. Бироқ ўтган мавсумда бор-йўғи 8,6 фоиз пахта машиналарда терилган, холос. Бу йил ани шу имкониятдан самарали фойдаланиш учун барча чоралар кўрилди.

Мана, пахта терими ҳам бошланди. Қайси раҳбарнинг қандайлиги ани шу мавсумда аяққол билинади-қўяди. Кимки, эскича фикрлаб, эскича ишласа, яна аввалги ҳол такрорланади. Кимки, излан-са, албатта, имконият топила ва юзи ёру бўлади. Узи ҳам, бошқалар ҳам овози сарсон бўлмайди. Вилоят ҳокимлиги ҳамма куч-гайратни шу мақсадга сафарбар этади ва бунинг урдувидан чиқади, леб ўйлаймиз.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

"ТЕЗИНТОМ" **ЎЗБЕКИСТОН-GERMANYA ҚҚ**

ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

ТУРАЙ РАНГАДГИ ҲАМ ЗАМОНАВИЙ ТУРАЙ РАНГАДГИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛАРИ БЕЛАН БЕЗАК БЕРИШ

ТУРАЙ РАНГАДГИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛАРИ БЕЛАН БЕЗАК БЕРИШ

GERMANYAНИНГ "НЕВО" ФИРМАСИ УСҚУНАСИДА ТАЙЙЕРЛАНГАН ЮКСАК БАДИЙ САВИЯДАГИ НОВЕ МЕТАЛЛ МАХСУЛОТЛАРИ

Жилкоммодор панжаралар, суянгичлар, гаройиб дарвозалар, қандиллар ва бошқа гузаб буюмлар.

Тел: (998-71) 162-42-47, 162-70-59, 162-42-74. Факс: 162-41-05. E-mail: tezintom@globalnet.uz

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Ислохот мевалари

Япониянинг дунёга машҳур "Konica" компанияси, жаҳонда катта мавқега эга. Чунки — у узининг махсулотлари ва хизматлари билан аллақачон одамлар эътиборига сазовор бўлган. Шу боис барча давлатлар аҳолиси уни яхши билади. Аини пайтда бизнинг республикамизда ҳам маъжур компания махсулоти ёки хизматидан фойдаланаётганлар сони тобора кўпаймоқда. Аиникса, фото иши билан шуғулланадиган ва бу юмушни энди бошлаётган хаваскорларга компаниянинг жаҳон андозлари талабларига жавоб берадиган махсулотлари маъжур тушмоқда.

Бунга албатта жаҳондаги бир қатор йирик шаҳарларда ўз ваколатхоналарини очгани ҳам сабаб бўлди. Масалан, ўтган асрнинг 60-80-йиллари-

сулотлар ва хизматлар тезда ўз миқдорларини топди. Сўнгра у аста-секин МДХнинг бошқа республикалари бозорларига ҳам қадам қўйди.

«KONICA»

МИЖОЗЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Компания фаолияти доираси ниҳоятда кенг бўлиб, суратга олиш ва рақамли тасвирга тушириш билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни умумлаштирадиган техника воситаларини ишлаб чиқаради. Фотоплёнкалар, фотоаппаратлар, суратни ишлашда фойдаланиладиган турли хил кимёвий воситалар, фотоқоғозлар ва суратни тайёрлайдиган ҳар хил ускуналар ва бошқалар шулар сирасига кирди. Шунингдек, компания-


Компаниянинг тарихи ҳам узоқ бўлиб, у кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган тараққиёт йўлини босиб ўтган. 1873 йилда фотоплёнкалар ва литография учун материаллар, кинофильмлар учун оқ-қора плёнкалар ишлаб чиқарилган бўлса, кейинчалик рангли плёнкалар, рентген плёнкалари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Вақт ўтган сайин жамоа ўз фаолияти доирасини таркомиллаштириб, махсулот-

даёқ Нью-Йорк, Гамбург, Гонконг ва Лондонда унинг бўлимлари ташкил этилган эди. Аини чоғда дунёнинг кўпгина давлатларида компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Унинг шох-бечаларида эса ҳатто юқори сифатли мини лабораториялар, суратга олиш аппаратлари ишлаб чиқарилаётган. Бу махсу-

Хусусан, ҳозирги кунда мамлакатимиз бозорига компания махсулотларига талаб катта бўлиб, у йил сайин ортб бормоқда. Шунч қабқоқ олиб, жорий йилнинг март ойида Тошкентда "Konica"нинг "JEL Corporation (Middle East) Ptd Ltd" ваколатхонаси очилган эди. Шу кеча-кундузда эса республикамизнинг барча йирик шаҳарлари ва айрим туман марказларининг дўконларида "Konica" махсулотлари билан савдо қиладиган алоҳида бўлимлар, махсус мини лабораториялар фаолият кўрсатмоқда. Унинг махсулотлари ва хизмат турлари сертификатланган, улардан фойдаланишга кафолат бор. Эътиборлиси, улардан эндигина сурат олиш билан шуғуллана бошлаган ҳар қандай киши ҳам фойдаланиши мумкин. Бу, табиийки, ақдидга қулайлик яратмоқда.

Кўни кеча Тошкентдаги "Radisson SAS Tashkent" меҳмонхонасида "Konica R-1 Super" мини лабораториясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган республикамиздаги — фотосалонлар раҳбарлари, пойтахтимиздаги шу соҳага дахлдор ташкилотларнинг ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари "Konica" мижозлари, бундан буён янада кўпайишига ишонч билдиридилар.

Хўсия КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



да фирмада офислари учун принтерлар, нуسخа кўчириш аппаратлари, сканерлар, факселар ва рақамли суратга олиш техника воситалари, тиббиёт ускуналари — рентген суратларини олиш учун плёнкалар, диагностика приборлари ёрдамида ҳосил бўладиган маълумотларни ишлаш учун қурилмалар ҳам ишлаб чиқаради.

лари сифатини ошириб борди. Ниҳоятда аниқликда ишлайдиган, замонавий, жаҳон андозлари талабларига жавоб берадиган товарлар ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва энг муҳими, бунга қисқа фурсат ичда эришти. Шу боис дунё бозоридан муносиб ўрин эгаллади. Натيجала унинг махсулотларига талаб кучайди.

лотлар ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортиб, дунё бозоридан мустақкам ўрин эгаллаган.

Компания 1996 йили ўз фаолиятини Россияда бошлаган эди. У маъжур мамлакат бозорига ўзининг турли хил фотомажсулотлари ва суратлар ишлаб чиқарилган ускуналари билан кириб келди. Бундай юқори сифатли мах-

"РОССИЯ ШИНАЛАРИ" ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ **АВТОШИНАЛАРИНИ** СОТАДИ:

✓ Барча турдаги
✓ Тошкентдаги омборлардан

ГАЗ, КАМАЗ, УАЗ, ЗИЛ, МАЗ

Домий чегирмалари маъжур

ЭЪТИЁТ ҚИСМАРИ ТЎПЛАМАРИ.

РОССИЯ ТЕХНИКАЛАРИ УЧУН АККУМУЛЯТОРЛАР БҮЮРТМА АСОСИДА

Тел./Факс: 79-28-76, 79-28-73.

Махсулот сертификатланган.

ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси **Ўзбекистон аҳолисини Япония маданияти ва аънаналари билан таништириш мақсадида маданият кунлари ўтказди.**

Маданият кунлари тадбирлари **2003 йил 26 сентябрдан 17 ноябргача** Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан элчихона барчани **ЯПОН КИНОСИ ҲАФТАЛИГИ** тадбирларига таклиф этади.

Япон кинеси ҳафталиги очилиш маросими **2003 йил 26 сентябрь кўни соат 19.00 да Тошкентдаги «Кино уйи» катта залида бўлиб ўтади.**

Шойназ аҳолига диққатига бадий, ҳужжатий ва мухтасар кинофильмлар ҳавола этилади.

Кинофильмларни томоша қилиб, катталар ҳам, болалар ҳам завқланидилар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш биғлашмаси ва Театр ижодкорлари уюшмаси Отаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театри бош режиссери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Ибродулла НИЁЗМЕТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

ЎЗР ФА «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси катта илмий ходим, биология фанлари номзоди **Хўсия НУРТОЕВИ**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзин изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси «Ўзбекистонда левократик жамият қуриш назарияси ва амалияти» кафедраси катта ўқитувчиси **М. Ибрагимов**га онаси **Гулсора яя МАТЕКУБОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир ҳайъати: Э. Болиев (маъсуд қотиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳидинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазирасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қашибеганов, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;
Котибиёт 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 868. 23016 нуسخала босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қўзғоқ бичими А-2
Газета ИВМ компьютер рақам теримида ва операторлар Жаҳонда ТОВАБЕВ ва Аббас ИБРАГИМОВ томонидан саҳифаланди.

Тахрирхонада ҳажми 5 қанчалар эълм материаллар қабул қилинмайди.
[] — Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи қотиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Р. Ёрдақабов.
Мусаххас — Ш. Маширбаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5